

КИЧИК БИЗНЕСДА ИХТИСОСЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ

Даuletназарова Зулфия Арсланбай қизи
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Жаҳонда тармоқ жиҳатидан ихтинослашув жараёнларининг самарадорлигини ошириш, уларни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, ихтинослашув даражасининг фаолият самарадорлигига таъсирини баҳолаш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Шунингдек, кичик бизнесни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш, инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этиш имкониятларини кенгайтириш, иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш ва кучайтириш каби масалалар долзарблик касб этмоқда.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти жуда серқирра ва кўп омилли жараён ҳисобланади. Унинг таркибида объектив тавсифдаги, масалан, табиий ва меҳнат ресурсларига бойлиги, қулай иқлимга ҳамда географик жойлашувга эгалиги каби омиллар аҳамиятли салмоқ ва таъсир даражасига эга. Бироқ, шу билан бирга, субъектив тавсифдаги, яъни, давлатнинг макроиқтисодий ва минтақавий иқтисодий сиёсати, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини тўлиқ реализация қилувчи самарали иқтисодий механизмнинг таркиб топганлиги ва бошқа кўплаб омиллар ижтимоий-иқтисодий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этиб ўтилган омиллар таркибига кирувчи муҳим жиҳатлардан бири ихтинослашув жараёни ҳисобланади. Ихтинослашув тушунчаси, ўз маъносига кўра, умумий ҳолда субъектнинг ўз фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида уни кўплаб ва хилма-хил жараён ёки фаолият объектларидан бирига ёки бир нечтасига йўналтиришини англатади. «Ихтинослашув – фаолиятни нисбатан қулай ишлаб чиқариш шарт-шароитларига эга бир ёки бир неча турдаги рақобатбардошли товар маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтириш». Одатда ихтинослашув меҳнат тақсимотининг таъсирида амалга ошади.

“Ихтинослашувнинг таркиб топган мутлақ ва нисбий устунликларни рўёбга чиқариш имконини берувчи юқори самарали ишлаб чиқаришнинг муҳим захираси сифатида вужудга келиши ва қарор топиши аввал бошданоқ турли-туман табиий шарт-шароитларнинг мавжудлиги, шунингдек, ижтимоий

мехнат тақсимоти ҳамда унинг асосида алмашув жараёнларининг пайдо бўлиши сифатидаги жамият тараққиёти хусусиятлари билан боғлиқ.

Мехнат тақсимоти нафақат битта корхонадаги, балки яхлит жамиятдаги самарадорликнинг ошишига имкон яратади. Адам Смит ижтимоий меҳнат тақсимотининг ролини қайчи ишлаб чиқариш мисолида кўрсатиб беради. Қайчини ишлаб чиқаришда кончи, ўтинчи, кўмирчи, қурувчи, ғишт терувчи, металл қуювчи, темирчи, пичоқчи, асбоб ясовчи иштирок этади. Мехнат тақсимоти ва айирбошлиш ўзаро боғлиқ. “Ўз меҳнатининг шахсий истеъмолидан ортиқча бўлган барча маҳсулотини бошқа кишилардаги ўзи эҳтиёж сезган маҳсулотларга айирбошлай олиш имконига бўлган ишончи ҳар бир кишини ўзини муайян алоҳида машғулотга бағишлиш ҳамда мазкур ихтисослашган соҳа бўйича ўзининг табиий истеъодини такомилга қадар ривожлантиришга ундейди”¹.

Мехнат тақсимоти ва ихтисослашувнинг натижасида иқтисодиётда қўйидагилар рўй беради:

- ишловчилар маҳоратининг такомиллашуви;
- бир меҳнат туридан бошқа бирига ўтишда йўқотилиши мумкин бўлган вақтнинг тежалиши;
- меҳнатни енгиллаштирувчи ва қисқартирувчи машиналарнинг ихтиро қилиниши, меҳнат унумдорлигининг кескин ўсиши².

Ихтисослашув тушунчаси жуда кенг қамровли бўлиб, уни алоҳида шахс – ишловчидан тортиб то корхона, тармоқ, ҳудуд, минтақа ва миллий иқтисодиёт даражасига қадар қўллаш мумкин. Бироқ, иқтисодий адабиётда ихтисослашув жараёни кўпроқ ишлаб чиқаришга нисбатан қўлланилади. Ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ўз навбатида турли миқёс ёки даражаларда олиниши мумкин. Масалан:

- 1) корхона ёки унинг бирон-бир таркибий бўлими, участкасидаги ишлаб чиқариш жараёнининг ихтисослашуви;
- 2) бир хил йўналишдаги корхоналар мажмуи – тармоқ ёки соҳа ишлаб чиқариши ихтисослашуви;

¹ http://economic-definition.com/Scientists_and_economists_theorists/Adam_Smit_Adam_Smith_eto.html
² http://economic-definition.com/Scientists_and_economists_theorists/Adam_Smit_Adam_Smith_eto.html

3) муайян худуд (минтақа)да жойлашув жиҳатидан ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви.

4) тармок ва соҳаларнинг мажмуи – миллий иқтисодиёт даражасидаги ихтисослашув.

Иқтисодий адабиётларда одатда саноат ишлаб чиқаришидаги ихтисослашувнинг иқтисодий мазмуни тўғрисида кенгроқ маълумотлар берилган. Жумладан, уларда ёритилишича, ихтисослашувнинг учта тури фарқланади: буюм (предмет), деталь бўйича ва технологик жиҳатдан (1-расм).



1-расм. Саноат ишлаб чиқаришида ихтисослашув турлари³.

Ихтисослашув жараёнининг иқтисодий мазмунини тўлароқ баён этиш учун юқорида қайд этилган ихтисослашув турлари бўйича маълумотларни муайян тизимга солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Айрим манбаларда ихтисослашув саноат, тармок, корхонанинг ихтисослашуви каби турларга туркумланади. Яъни, “мехнат тақсимоти (ихтисослашув) саноат, тармок, корхонанинг ихтисослашуви орқали намоён бўлиши мумкин” (1-жадвал).

³ Куйидаги манба асосида муаллиф томонидан тузилган: Зайцев Н.Л. Экономика, организация и управление предприятием. - <https://psyera.ru/6599/vidy-specializacii-proizvodstva>

1-жадвал

Ихтисослашув асосий турларининг мазмуну⁴

Ихтисослашув турлари	Ихтисослашув турларининг мазмуни
Саноатнинг ихтисослашуви	амалдаги тармоқларнинг бўлиниши ва янги тармоқларнинг пайдо бўлишини англатиб, у ишлаб чиқарилган ихтисослашган маҳсулот, технологик жараёнлар ва моддий ресурслар истеъмоли бирлигининг иқтисодий аҳамиятини акс эттиради
Тармоқнинг ихтисослашуви	тармоқ таркибига кирувчи саноат корхоналарининг потенциал технологик имкониятларини кўрсатиб, бундай тармоқларда технологик жиҳатдан бир турдаги, шартли-доимий номенклатурадаги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилади
Саноат корхоналарининг ихтисослашуви	технологик жиҳатдан бир турдаги ва деярли доимий бўлган, бироқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатурасини қисқартиришга интилевчи ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи, тармоқ ичидаги бирламчи (ягона) меҳнат тақсимоти

Ихтисослашув турли шаклларда амалга оширилиб, улардан ҳар бири қўйидаги асосий йўналишлар орқали аниқланади:

- товар маҳсулотнинг муайян номенклатурасини ишлаб чиқаришга ихтисослашувчи тармоқ ва саноат корхоналарининг шаклланиши;
- товар тайёрлашнинг технологик жараёнини навбатдаги ички ишлаб чиқариш концентрацияси билан хусусий технологик операциялар учун деталдан тортиб то агрегатгача ишлаб чиқаришни табақалаштириш;
- муайян технологик операцияларни бажариш билан боғлиқ янги ишлаб чиқаришларни яратиш⁵.

Адабиётлар таҳлили шуни қўрсатадики, ихтисослашув жараёнига берилган таърифлар хилма-хил бўлиб, унинг мазмунини тўлиқ баён этиш учун мазкур таърифларни улардаги асосий ёндашувлар бўйича муайян тизимга солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридаги таърифларнинг тизимли таҳлили асосида, фикримизча, иқтисодиёт назарияси нуқтаи назаридан қўйидаги муаллифлик таърифининг шакллантирилиши мақсадга мувофиқ: “Ихтисослашув – хўжалик юритишнинг турли субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этишининг тегишли даражасида қўпроқ иқтисодий наф келтирувчи фаолият тури ёки унинг муайян қисми билан шуғулланишга йўналтирилган жараён”⁶.

⁴ Қўйидаги манба асосида муаллиф томонидан тузилган: <https://psyera.ru/6598/sushchnost-specializacii-proizvodstva>

⁵ <https://psyera.ru/6598/sushchnost-specializacii-proizvodstva>

⁶ Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.

Шу сабабли, Н.Шестакович томонидан уларнинг турли жиҳатдан туркумланиши таклиф этилган (1.4-жадвал).

1.4-жадвал

Ихтисослашув турлари ва шакллари туркумланиши⁷

Ихтисослашув жараёни объекти	Ихтисослашув тури	Ихтисослашув шакли
Технологик жараён	Технологик жиҳатдан	<ul style="list-style-type: none"> – предмет бўйича – деталь бўйича – элемент бўйича
Хўжалик юритувчи субъект	Хўжалик жиҳатидан	<ul style="list-style-type: none"> – умумхўжалик – ички хўжалик – хўжаликлараро
Тармоқ	Тармоқ жиҳатидан	<ul style="list-style-type: none"> – тармоқ ичидা – тармоқлараро
Худуд	Худуд жиҳатидан	<ul style="list-style-type: none"> – ҳалқаро миқёсда – минтақа бўйича – республика бўйича – зона бўйича

Шунингдек, у ихтисослашувнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини қўйидаги ҳолатлар орқали ифодалайди:

1) ихтисослашув маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ўсиш суръатига нисбатан унинг ҳажмининг юқорироқ ўсиш суръатини тақозо этувчи ишлаб чиқаришнинг ижобий миқёс самarasига эришиш учун имкониятларни очиб беради;

2) ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш мазкур жараёнга фан, техника ва технологиянинг илғор ютуқларини жорий этиш учун яхши асос бўлиб хизмат қилади. Қимматбаҳо ихтисослаштирилган юқори унумли техникини қўллаш фактат ундан тўлиқ фойдаланиш шароитида ўзини оқлаш мумкин. Бу бир вақтнинг ўзида кўп миқдордаги тармоқларни ривожлантирувчи хўжаликларда эмас, балки айнан техниканинг қиймати амортизация ажратмаси шаклида аҳамиятли даражадаги катта ҳажмга эга бўлган бир турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотига бир текисда ўтказилувчи ихтисослашган хўжаликларда имкон доирасида бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ихтисослашувининг чуқурлашиши орқали ишлаб чиқариш ижтимоийлиги тавсифининг кучайиши намоён бўлади. Фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш миқёсларининг ўсиши – ихтисослашув чуқурлашишининг муҳим омили ҳисобланади. Умуман олганда, ишлаб

⁷ Шестакович Н.К. Теоретический анализ специализации сельскохозяйственного производства. <https://cyberleninka.ru/article/n/teoreticheskiy-analiz-spetsializatsii-selskohozyaystvennogo-proizvodstva>

чиқариш ихтисослашувига таъсир кўрсатувчи омилларни қуидаги расм орқали ифодалаш мумкин (3-расм).



2-расм. Ишлаб чиқариш ихтисослашувига таъсир кўрсатувчи омиллар⁸.

Маъмурий-ташкилий белгисидан фойдаланишда фаолиятнинг асосий танланган (хужжатда расмийлаштирилган) тури, шунингдек, у ёки бу идора ва фирма (холдинг, концерн)га мансублиги ҳисобга олинади.

Маҳсулот белгисига мувофиқ равишда ҳар бир соф (алоҳида) тармоқ бўйича таркибий тузилма ва ишлаб чиқариш ҳажми аниқланади. Замонавий корхоналарнинг оммавий равишда диверсификациялашуви муносабати билан мазкур белги, қоида тариқасида, таснифлаш учун ягона ёндашув бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиёлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4691-сонли қарори

⁸ Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.